OZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA
O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
NAMANGAN VILOYAT KASBIY TA'LIMNI
RIVOJLANTIRISH VA
MUVOFIQLASHTIRISH HUDUDIY
BOSHQARMASI
CHUST TUMAN 1-SON

KASB-HUNAR MAKTABI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИНАМАНГАН ВИЛОЯТ КАСБИЙ
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҲУДУДИЙ
БОШҚАРМАСИ

ЧУСТ ТУМАН 1-СОН КАСБ-ҲУНАР
МАКТАБИ

---

## Техник топширик

**Наманган вилояти Чуст туман 1-сон касб ҳунар мактаби** негизида ташкил этилган "Қурилиш соҳасида малакали мутахасисларни тайёрлаш маркази"га иссиқ озиқ-овқат хизмати учун сифатли ташкилаштириш мақсадида (кафолатланган) таъминлаш шарт.

Озиқ-овқат меъёри бир варақда илова қилинади.

**Кҳ мактаби директори** **Х. Джураев**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ**

# ҚАРОРИ

**Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказларида таълим олувчиларнинг озиқ-овқат меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги ПҚ–4962-сон "Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга кетаётган шахсларни ва банд бўлмаган аҳолини ўқитишни ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказларида (бундан буён матнда Марказлар деб юритилади) таълим олувчиларнинг озиқ-овқат меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, Марказларда:

таълим олувчиларнинг озиқ-овқат паёкларини тарқатишда бир турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини бошқасига алмаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги 966-сонли "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг озиқ-овқат таъминотини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ;

таълим олувчиларнинг овқатланишини аутсорсинг тизими бўйича ташкиллаштириш ишларига давлат-хусусий шерикчилиги асосида бириктириладиган ташкилотларнинг иш фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 мартдаги 189-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмларида аутсорсинг хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг, соғлиқни сақлаш вазирининг ҳамда бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг соҳа бўйича ўринбосарлари зиммасига юклансин.

4. Мазкур қарор имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

**Мудофаа вазири** **Б. Курбанов**

Тошкент ш.,
2021 йил «15» март,
12 -сон

0341

**Соғлиқни сақлаш вазири** **А. Хаджибаев**

Тошкент ш.,
2021 йил “16” марта
4 -сон

**Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири** **Н. Хусанов**

Тошкент ш.,
2021 йил “23” марта
8-2021-0/15 -сон

Илова: Қоракалпогистон Рсеубликаси ва вилоятларда Қурулиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказларида таълим олувчиларнинг озиқ-овқат меъёри. 1 варакда, номахфий.

ЎР МВ ММТ ББ ООТБ
1 нусхада бажарилди
Бажарди. Муллаев Б.
Тел. 71-269-86-39

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг
2021 йил “___” __________даги
_______________________-сонли қарорига
1-илова

**Қорақалпоғистон Реcпубликаси ва вилоятларда Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказларида таълим олувчиларнинг озиқ-овқат МЕЪЁРИ***

| т/р | Озиқ-овқат маҳсулотларининг номи | Бир киши учун суткалик меъёр, граммда |
|---|---|---|
| 1 | 1-навли буғдой унидан нон | 250 |
| 2 | Жавдар нон | 100 |
| 3 | 1-навли буғдой уни** | 30 |
| 4 | Ҳар хил ёрмалар (гуручсиз) | 25 |
| 5 | Дуккаклилар | 30 |
| 6 | Гуруч | 60 |
| 7 | Олий навли макарон маҳсулотлари | 60 |
| 8 | 1-тоифали мол гўшти | 70 |
| 9 | Қўй гўшти | 30 |
| 10 | Қуён гўшти | 40 |
| 11 | Парранда гўшти | 70 |
| 12 | Тозаланган бошсиз балиқ | 45 |
| 13 | Балиқ маҳсулотлари | 30 |
| 14 | Тозаланган ўсимлик ёғи | 35 |
| 15 | Ёғлилик даражаси 82,5 % бўлган сариёғ | 35 |
| 16 | Товуқ тухумлари | 1 |
| 17 | Ёғлилик даражаси 2 % бўлган стерилизацияланган сигир сути | 400 |
| 18 | Маргарин | 5 |
| 19 | Сметана, қаймоқ | 25 |
| 20 | Творог | 50 |
| 21 | Пишлоқ | 30 |
| 22 | Шакар | 35 |
| 23 | Асал | 30 |
| 24 | Йодланган ош тузи | 5 |
| 25 | Олий навли чой | 2 |
| 26 | Кофе | 2 |
| 27 | Зираворлар | 2 |
| 28 | Қ.м.м.у. 25 % дан кам бўлмаган томат пастаси | 5 |
| 29 | Картошка | 280 |
| 30 | Карам | 55 |
| 31 | Лавлаги | 40 |
| 32 | Сабзи | 50 |
| 33 | Пиёз | 50 |
| 34 | Бодринг | 50 |
| 35 | Помидор | 70 |
| 36 | Ошқовоқ | 40 |
| 37 | Бошқа сабзавотлар | 70 |
| 38 | Полиз маҳсулотлари | 60 |
| 39 | Янги узилган мевалар | 250 |
| 40 | Қуруқ мевалар | 25 |
| 41 | Узум | 40 |
| 42 | Цитрус мевалар | 10 |

**) "Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёшига, жинсига ва касбий фаолияти гуруҳлари учун соғлом овқатланишни таъминлашга қаратилган ўртача кунлик рационал овқатланиш меъёрлари" 0007-2020-сонли санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларининг 4-гуруҳ меҳнатга лаёқатли аҳоли учун тавсия қилинган бир кунлик рационал овқатланиш озиқ-овқат меъёрига асосан олинган.*

***) Ёрма-сабзавотларни бир бири билан алмаштиришни режалаштиришда (таомномани тузишда) 1-навли буғдой уни ҳисобга олинмайди.*

